



# TIBBIYOT INSONI

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 03 2021 YIL 26 MART



## БАЙРАМ ТАБРИГИ

Она диёримизга барчамиз орзиқиб кутган, гўзал ва дилбар фасл – Наврўзи олам кириб келди. Уйғониш ва янгиланиш, кут-барака элчиси Наврўзи айёми шукуҳидан дилларимиз яйрамоқда.

Шундай тарофатли кунларда барчангизни, кўп миллатли халқимизни жонажон Ўзбекистонимизга кириб келган Наврўзи олам билан чин қалбимдан самимий табриклар, эзгу тилақларимни изҳор этаман.

2021 йилни Ватанимиз тарихида “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” сифатида эътироф этилишида чуқур маъно мужассам. Бу йилги Наврўзни юртимизга фаровонлик, тинчлик, омонлик элчиси сифатида таширф буюраётган кадр-қиммат, хайру саховат, меҳр-оқибат фариштасига қиёслаш мумкин.

Мамлакатимизнинг барча гўшаларида бўлгани сингари академиямиз ёшлари ҳам кунни кеча талабалар ётоқхонасида сумалак пишириб, баҳор байрамини ўзгача хурсандчилик ва ҳамжихатликда қарши олдилар.

Сумалак тайёрлаш баробарида қадимий миллий ўйинларимиз варақ учирши, «Кураш», «Кўпқари», «Арқон тортиш», «Чиллак», «Хўроз уриштириш», «Оқ теракми, кўк терак», «Бештош», «Тез айтиш», «Ким олади-ё, шугинани-ё?» каби азалий соғломлаштириш ўйинлари борасида қизиқарли суҳбатлар бўлди. Йигит қизлар то тонгача, сумалик пишеунича давра олиб рақсга тушдилар, куйлар қўшиқларга уланди. Муҳими, улар бу каби шодийналар шунчаки эрмак ёки вақт ўтказиш учун ўйлаб топилмагани, Наврўзий тамойилларда катта ҳикмат борлигига илмий манбаларни ўрганиб амин бўлдилар.

Ҳурматли ўқитувчи-профессорлар, талаба-ёшлар! Сизларни мана шу гўзал, тароватли кунларда Наврўз айёми билан чин дилдан кутлашдан мамнунман.

Барчангизга соғлик-омонлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилайман.

Илмий изланишларингиз ва ўқишларингизда омад ёр бўлсин. Наврўзи оламнинг ҳаётбахш нури-зиёси қалбларимизни поклаб, барчамизни яхши ишларга ундасин.

Наврўз – янги кун демакдир. Ҳар бир хонадонга янгидан янги режалар, мақсадларнинг қарор топишидек толеъ насиб этсин. Наврўз шукуҳи доимо қалбларимизни қувончларга тўлдириб, юртимизда мангу қолсин!

**А.ШАДМОНОВ,**

**Тошкент тиббиёт академияси ректори**

## ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КУНИ – НАВРЎЗ МУБОРАК!

“Наврўзнинг тарихи уч минг йилга бориб тақалади. Ҳали юртимизга Македонский, Қутайба ибн Муслим ва Дороларнинг қадами етмаган олис даврларда бобокалонларимиз Наврўзи оламни байрам қилганлар”  
профессор Убайдулла Уватов

Кун ҳамалга кирди эрса келди олам Наврўзи,  
Кетди қалбдан замҳарир қиш, қолмади қори -  
бузи деган эди “Қиссас ул анбиё”нинг муаллифи  
шайх Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий.

**Ислом дини тарихидан энг мукамал маълумотлар берган асли хоразмлик бу буюк бобокалонимиз Янги кун – Наврўзни исломдан аввал ҳам бу юртларда энг гўзал, энг ҳафиф байрам, шодмонлик сифатида нишонланишини келтириб ўтган.**

Шунингдек, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиблар ҳам ўзларининг қимматли манбаларида Наврўзи олам ҳақида ноёб фикрларни келтириб ўтганлар. Дарҳақиқат жаннатмакон диёримизда баҳор шарпаси кезиб юрибди, гўдакдек маъсум, онадек меҳрибон, отадек саховатли, сингилдек муниса...

Янгилаётган Ўзбекистонга кўкламнинг ифори келиб тоғу тош, боғу роғ, ҳаттоки буюк бобо-момоларимизни бағрига олиб, аллалаб ётган кўҳна қабрлар устида ҳам гиёҳлар омонатгина тебраниб, саловот ва дуруд айтиб турибдилар. Янги куннинг – Наврўзнинг илоҳий қадамларини ҳис этиб бир ҳафтадан буён ҳовлимда булбуллар масикиб сайрамоқдалар. Бу митти ва илоҳий замондошларимга қараб тунлари кўзларимдан уйку қочиб, ҳайратланиб ўтираман, кўпчилик одамлар етолмаган шундай кутлуғ кунлар остонасига етказгани учун бетиним шукроналар қиламан. Эснаб, кўзларини ишқалаб митти чумоилар ҳам ҳовлим саҳнида ризқ-рўзини излаб юрибдилар.

(Давоми 2-бетда.)

Ҳикмат



**Наврўзнинг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси  
биз бугун бунёд этаётган янги Ўзбекистон  
ғояси билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир**



Ҳикмат



## ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КУНИ – НАВРЎ МУБОРАК!



(Боши 1-бетда.)

Ҳар йили Наврўз арафасида республикамизнинг кўплаб саховатпеша инсонлари ўз меҳр-муҳаббатлари билан давлат миқёсидаги бир қатор хайр-эҳсон тадбирларини ташкил қиладилар.

Халқимизнинг энг ардоқли шоирларидан бири, оилавий қадрдоним, марҳум Муҳаммад Юсуф ушбу маҳбуб шеърини айнан мана шу фаслда битган бўлса не ажаб:

*Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим:  
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.  
Қор кўйнида сени кўмсаб ўқиндим,  
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.  
Кўнглимга кўк бинафшалар сочилсин,  
Кокилига толпоқдан соч илсин,  
Бойчечакка борар йўллар очилсин,  
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.*

Баайни шайх Жалолоддин Румий янглиғ бутун башариётни ардоқлаб бошига кўтарган Мир Алишер Навоий “Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсин Наврўз” деганларида умримиз

худди Наврўз каби яшариб, янгиланиб, илҳомланиб, қуёшларга тўлиғ бўлиб, тунларимиз эса Лайлат ул қадр кечасидек Минг ойдан баракалироқ бўлишини назарда тутганлар.

Наврўз – тилаклар мустажаб бўладиган илоҳий кун!

Муҳтарам Академиямиз аҳли жамоаси, ҳамкасабаларим, устозларим, илм толиблари, ҳаммангизни мустақил юртимизнинг энг улуғ ва энг гўзал байрами – Наврўзи айём билан дилдан қутлаймиз, Янги кун – Янги йилнинг ибтидоси ҳаммамизга шараф ва омадлар, офиятлар келтирсин! Улуғ ислохотларнинг бошида турган раҳбарларимизни ишлари хайрли бўлсин!

**Алижон ЗОҲИДИЙ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Соғлиқни сақлаш аълочиси,

**Қутбиддин НИЗОМОВ,**  
Турон фанлар академияси академиги, Соғлиқни сақлаш аълочиси



### НАВРЎЗИНГДАН НАВРЎЗИНГГАЧА

*Табаррукдир баҳорим азал,  
Ҳар гиёҳинг, ризқ-рўзинггача  
Етказибди, шукрлар бўлсин,  
Наврўзингдан Наврўзинггача.*

*Ўзингдадир улғувор кунлар,  
Ҳар онуда хислат бор кунлар,  
Кимлар етди, етмади кимлар,  
Наврўзингдан Наврўзинггача.*

*Англади бахт, кўркни одамзод  
Тинглади ер-кўкни одамзод,  
Ва тан олди Ҳақни одамзод,  
Наврўзингдан Наврўзинггача.*

*Эл тўлғонди дард кўшигидан,  
Гўдак боқар сарв бешигидан,  
Қайтдик қиёмат эшигидан,  
Наврўзингдан Наврўзинггача.*

*Синовда эл синмади, ўсди,  
Булди бир ёт бир ётнинг дўсти,  
Бой йўқилни бағрига босди,  
Наврўзингдан Наврўзинггача.*

*Ҳар кишида хайру ҳамият,  
Ҳар кўнглида бир эзгу ният,  
Тикланди ул ўлмас қадрият,  
Наврўзингдан Наврўзинггача.*

*Энди бу юрт шундай қолажак,  
Бахтдан бағри мангу тўлажак,  
Ҳар сония сабоқ бўлажак,  
Наврўзингдан Наврўзинггача.*

*О баҳорим, олам сен томон,  
Мўъжизасан, шаксиз, бегумон,  
То жон борки, етказсин омон,  
Наврўзингдан Наврўзинггача!*

**Назира МАТЁҚУБОВА**





## “ТАЛАБАЛИК БАҲОРИ 2021 ФЕСТИВАЛИ” ЯНГИ ИҚТИДОРЛАРНИ КАШФ ЭТДИ

**Талабалик баҳори... Уйғониш, яратиш, ўқиб-ўрганиш, изланиш, янгиликларга интилишнинг энг гўзал фурсати...**

Бу йилги Наврўз байрами Тошкент тиббиёт академияси ёшларига қўшалок шодиёналарни тўхфа этмоқда. Академия ректори Алишер Шадмонов бошчилигидаги илмий-педагогик жамоа академиянинг олти минг нафардан зиёд талаба-ёшлари орасидан энг муносибларини, энг ташаббускор, билимга чанқоқ, ўқиб, ўрганишда ҳамиша тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган иқтидор соҳиб ва соҳибалари номини алоҳида ҳурмат билан эътироф этдилар. 30 та номинация бўйича танлов натижасига кўра академиянинг 35 нафар талаба-ёшлари моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда бошқа қатор нуфузли идоралар ва халқаро марказлар ҳамкорликда ўтказаетган «Учинчи ренессанс — ёшлар нигоҳида» номли республика танловининг Тошкент тиббиёт академияси босқичида 5 на-

фар талаба пул мукофотларига сазовор бўлдилар. Улар аждодлар меросини ўрганиб тарғиб қилишдаги инновацион ёндашуви, олий таълимда сифатли билим олишдан талабаларнинг манфаатдорлигини ошириш учун ўқув жараёни ва методикасини ўзгартириш йўлларини ўз талқинлари миқсолида кўрсатиб бера олганлар учун тенгдошларига ўрнак бўла олдилар.

Шу тариқа ёшларни илм-фан ва инновацияларга қизиқтиришнинг ноанъанавий усулларини ўзларининг мақола, видеоролик кўринишидаги ижодий ишлари билан кўрсатиб бера олган янги истеъдодлар кашф этилди.

Академия ректори Алишер Шадмонов бугунги учрашувда “Илҳом” республика ёш иқтидорлар танловининг Тошкент тиббиёт академияси босқичи ғолиблари ҳам эълон қилинди. Аъло баҳоларга ўқиш билан бир қаторда бадиий-ижодий йўналишда ўз иқтидорини

намоён этиб тенгдошларига ибрат бўлаётган талабаларга Тошкент тиббиёт академияси ректори томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

“ТАЛАБАЛИК БАҲОРИ 2021 ФЕСТИВАЛИ”нинг ТТАСи якуний босқичида илм-фан ва инновациялар, спорт ва соғломлаштириш, бадиий ижод, публицистика, нотиклик, блогерлик, расм ва компьютер графикаси сингари ранг-баранг ижодий йўналишларда ўз иқтидорини намоён эта олган талабалар ва ёшлар жамоаларининг номлари алоҳида эътироф этилди. Талабалик баҳори... чинакамига яратувчанлик, уйғониш, янгиликларга интилишнинг энг гўзал фурсати... Ана шундай нафосат фаслининг ғанимат дамларини ўқиб-ўрганиш, изланиш ижод қилишдек фойдали машғулотларга сарфлаётган ёш нав ниҳолларни бу тариқа қўллаб-қувватлаш уларнинг келажакда илм-фан тараққиётида катта натижаларга эришишига мустаҳкам пойдевор бўлади.

**Гулчехра МИРЗАЕВА**





**Тиббий ва биологик кимё кафедраси ташкил топганлигининг 100 йиллиги муносабати билан халқаро миқёсда илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги каби қарорларида тиббий таълимга юклатилган вазифалар ижроси сифатида хизмат қилади.

Соғлиқни сақлаш тизимида аҳамиятга эга бўлган ушбу тадбирда Ўзбекистондаги барча тиббий ОТМлар, Қозоғистон Республикасидаги ҳамкор ОТМ, Россия Федерациясининг Қозон Давлат тиббиёт университети профессор-ўқитувчилари масофавий иштирок этдилар.

Тадбирда истиқболли режаларни амалга оширилиши ҳамда тиббий ва биологик кимё кафедрасини янада ривожлантиришдаги ўрни ҳақида маъруза ўқилди ва муҳокама қилинди.

Ушбу халқаро миқёсдаги масофавий конференция тажриба алмашинувини янги сифат босқичига олиб чиқиши ҳамда электрон таълим соҳасида ОТМлар орасида ҳамкорликни кучайтириши, талабаларни фикр алмашинуви, оператив узлуксиз ахборот алмашинуви ушбу конференциянинг стратегик вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланди.

Шунингдек, конференция ҳамкорликда таълим, илмий-амалий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдаги истиқболли режаларни кўриб чиқиш ҳамда ҳамкорлик алоқаларини мустақамлаш ва ривожлантириш имкониятларини юзага чиқарди.

## БИТИРУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**Тошкент тиббиёт академияси ректори, профессор Алишер Шадмонов Тошкент вилояти битирувчилари билан учрашди.**

Тошкент вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган самимий мулоқот жараёнида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва бу муҳим жараёнда ёш мутахассислар зиммасига қўйилаётган долзарб вазифалар борасида сўз юритилди. Вилоят ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, кадрлар масалалари бўйича мутахассислар иштирок этган йиғилишда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалардаги тиббий хизмат тизимида тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш учун шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари ўзларининг вазифа ва функцияларини қайта ишлаб чиқишлари, бу вазифалар энг аввало профилактикага йўналтирилган бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг умумий амалиёт шифокори касбининг асл моҳиятини олий ўқув юрти битирувчи талабалари ўртасида кенг тарғиб этиш ва бу касбнинг жозибдорлигини таъминлаб, ходимларни рағбатлантириш, малакаси ва лавозимини ошириб боришга эътиборни кучайтириш борасидаги таклиф ва топшириқлари мазкур учрашувнинг бош мавзусига айланди. Академия ректори А.Шадмонов йиғилиш орқали Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш

бошқармаси бошлиқлари, кадрлар масаласи бўйича мутасаддиларга бу борада яқин ҳамкорлик қилиш таклифини берди. Эндиликда битирувчиларни иш билан таъминлашнинг ҳамжиҳатликка асосланган тизими йўлга қўйилади. Мақсад қишлоқ жойларида шифокорларга муносиб иш шароитларини яратиш асносида уларни тиббиётнинг энг куйи бўғини – қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникаларга жалб қилиш.

Қолаверса, ёш мутахассисларда амалиёт врач касбига қизиқишни орттириб, кўникма ҳосил қилиш эвазига аҳолига тиббиётни янада яқинлаштириш. Тошкент тиббиёт академияси ректори иштирокида Тошкент вилояти ҳокимлигида ўтган йиғилишда ҳудудлардаги бирламчи бўғин тиббиёт тизими учун «ҚИШЛОҚ ШИФОКОРИ» замонавий дастури ижросида фаол бўлиш таклифи илгари сурилди. Йиғилишда битирувчи талаба-ёшларнинг келгусида магистратура йўналишида ўқишни давом эттириш юзасидан берилган саволлар мавзуга оид бошқа кўплаб масалаларга оидлик киритиб олиншига ҳам сабаб бўлди.

**Тошкент тиббиёт академияси матбуот хизмати**



## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА ЯНГИЧА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

**Илм ўрганиш ва ўргатиш йўлидаги машаққатли ва шарафли меҳнат ҳар доим эътиборга, рағбатга лойиқ топилган. Тошкент тиббиёт академиясида баҳолаш мезони ва индикаторларининг янгича ёндошувига асослангани боис, адолатли саралаш механизми пайдо бўлди. Бу эса қатор ижобий натижаларга сабаб бўлмоқда.**

Тошкент тиббиёт академиясининг Илмий кенгаши Академия ректори А.Шадмоновнинг Наврўз табриги билан бошланди. Ректор табрик сўзи аввалида сафимизда меҳнат қилаётганларнинг энг илгорлари, энг натижадорларини саралаб уларни рағбатлантиришдан мамнунлигини билдирди. Академия илмий жамоасининг сўнги қисқа давр ичида эришган ютуқ ва муваффақиятлари эътироф этилди.

Илмий кенгаш йиғилишида Наврўз байрами муносабати билан аввалроқ старт берилган номинациялар бўйича танлов натижалари эълон қилинди.

“Энг фаол факультет”, “Энг фаол бўлим”, “Энг фаол магистратура кафедраси”, “Малака ошириш соҳасида энг яхши йўналиш”, “Маънавий ишлар соҳасидаги энг фаол бўлим”, “Энг фаол ординатура йўналиши”, “Ўқув ишлар соҳасидаги энг фаол бўлим”, “Илмий ишлар соҳасидаги энг фаол бўлим” ҳатто “Хўжалик соҳасидаги энг яхши ишлари учун” каби ўнлаб номинациялар ғолибларининг ташаббусли ҳаракатлари ва барчага ўрناк қилиб кўрсатишга аргизулик инновацион ғоялари ўзининг муносиб баҳосини топди.

Танлов натижаларига ичида “Энг яхши дарслик муаллифи”, “Энг яхши патент муаллифи”, “Энг яхши диссертация муаллифи” ва “Илмнинг энг

долзарб грант лойиҳачиси” сингари эътирофларнинг борлиги Тиббиёт академиясида адолатли баҳолаш мезонлари сабаб илмий изланишлар салмоғи ва сифат даражаси ўсиб бораётганлигини билдиради.

Профессор Алишер Шадмонов Илмий кенгаш томонидан тақдирланганларни қизгин муборакбод этди.

Йиғилиш сўнгида ректор Алишер Шадмонов академия рейтинг, обрўси ва имиджга муносиб ҳисса қўшаётган, жамоадoshларига наф келтираётган ходимлар эндиликда мунтазам равишда йил якуни эмас, ҳар ой ҳар чоракда ректорат йиғилишлари илмий кенгашларда шу тариқа эълон қилиб борилишини айтди.

Бу эса ўз навбатида Академия рейтинг, обрўси ва имиджга катта ҳисса бўлиб қўшилиши билан бирга, нуфузли илмий жамоада меҳнат қилаётганларни эътироф этиш имконини беради.

Илмий тафаккур эъзозланса, яхши ташаббуслар қўллаб-қувватланиб, устозлар улуғланса шогирдлар қалбида илм кишисига нисбатан 10 қарра ортиқроқ ишонч ўйғонади. Бундай эътироф мезони академия илмий-педагогик жамоасини бир мақсад йўлида бирлаштириб, устоз ва шогирдлик аъёнларининг янада чуқурроқ илдиз отишига сабаб бўлади.



## ЭЪТИРОФ МУБОРАК ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ...

**Тошкент тиббиёт академиясида бўлиб ўтган Илмий кенгашда эълон қилинган танлов натижаларига кўра:**

“Энг фаол кафедра” номинацияси бўйича ғолиблик Тиббий педагогика факультети “1-чи болалар касалликлари” кафедрасига насиб этди.

“Ўқув ишлари соҳасидаги энг фаол кафедра” эътирофига “3-сон ички касалликлар” кафедраси сазовор бўлди.

“Илмий ишлар соҳасидаги энг намунали кафедра” “Болалар ўсимирлар ва овқатланиш гигиенаси” кафедрасига, “Маънавий ишлар соҳасидаги энг фаол кафедра” номинацияси бўйича “2-сон факультет ва госпитал терапия” кафедраси энг натижадор жамоа деб эълон қилинди.

Коронавирус пандемияси даврида бутун жамоа билан ҳамжихатликда ишлаб кўрсатган фаоллиги учун “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси жамоасининг меҳнатлари Илмий кенгаш томонидан алоҳида эътироф этилиб, “Даволаш ишлари бўйича энг фаол кафедра” номини олди.

Талабалар турар жойи дирекциясининг ёшлар билан ишлашдаги ижобий натижалари аҳил жамоага “Энг фаол бўлим” деган хурматни олиб берди.

“Энг фаол магистратура кафедраси” номинациясида кўз касалликлари кафедрасининг ташаббусли ҳаракатлари қайд этилиб, барча совриндорлар қатори академиянинг қимматбаҳо совғаси ва фахрий ёрлиғига эга бўлдилар.

“Малака ошириш соҳасида энг яхши йўналиш” деган нома “Терапия ва касб касалликлари” кафедраси жамоаси мушарраф бўлдилар.

“Маънавий ишлар соҳасидаги энг фаол бўлим” номинациясида қатнашиб танлов ғолиби

бўлган академия маданият уйи бўлими ходимларининг ҳам қувончлари чексиз. Улар бу эътирофга академияда ўтказилган маданий-маърифий тадбирлардаги фаолликлари туфайли эришдилар.

“Энг фаол ординатура йўналиши” эътирофи “1-сон акушерлик ва гинекология” кафедрасининг илмий изланишлари ва амалий жараёнлардаги меҳнатларига берилган ҳаққоний баҳо бўлди.

Танловнинг “Ўқув ишлар соҳасидаги энг фаол бўлим” номинацияси ғолиблиги ўқув услубий бўлимга насиб этган бўлса, “Илмий ишлар соҳасидаги энг фаол бўлим” деган шарафли номага академиянинг ахборот технологиялар маркази жамоаси сазовор бўлди.

“Хўжалик соҳасидаги энг яхши ишлари учун” таъмирлаш бўлими меҳнатқашлари катта илмий илмий жамоанинг хурмат ва эътиборига лойиқ деб топилдилар.

Профессор Абдуғаффор Гадаевнинг “Энг яхши дарслик муаллифи” дея эътироф этилиши, олим меҳнат қилаётган “3-сон ички касалликлари” кафедраси жамоасига яна бир бор катта шараф олиб келди.

“Энг яхши патент муаллифи” “2-сон факультет ва госпитал хирургия” кафедрасига, “Энг яхши диссертация муаллифи” эса “Умумий ва болалар хирургияси” кафедрасига насиб этди. “Илмнинг энг долзарб грант лойиҳачиси” деб, олий таълим муассасалараро илмий тадқиқотлар лабораторияси катта илмий ходими Алишер Рахмонов сазовор бўлди.

“Энг фаол кафедра” – “Асаб касалликлари”, “Маънавий ишлар соҳасидаги энг фаол кафедра” – “1-сон факультет ва госпитал терапия”, “Тиббий педагогика факультетининг илмий ишлар соҳасидаги энг фаол кафедра” – “Педагогика ва психология” кафедрасига, шунингдек, Илмий кенгашда “Психоатрия ва наркологиya” кафедраси, Профилактика ва жамоат саломатлиги факультети жамоаси, “Атроф-муҳит гигиенаси” кафедрасининг ҳамжихатликдаги ишларига алоҳида урғу берилди.

Эпидемиология факультети, олий маълумотли хамшира, суд тиббиёти ва тиббиёт кафедраси, малака ошириш факультетларининг маънавий-маърифий ҳамда илмий йўналишдаги ишлари юқори баҳоланиб, танлов номинантлари сифатида эълон қилиндилар.

Травматология, ортопедия ва ҳарбий дала жарроҳлик кафедраси жамоасининг илмий ишлардаги фаоллиги учун профессор Мурод Каримовга катта миннатдорчилик билдирилди.

Танлов ғолибларига академиянинг эсдалик совғалари топширилди. Ютуқлар эътироф этилди. Ташаббусли меҳнат ўзининг ҳаққоний баҳосини олди.

Биз ҳам барча тақдирланганларни самимий муборакбод этамиз. Тошкент тиббиёт академияси жамоасини Наврўзи олам билан табриклаб, инсоният саломатлиги йўлидаги илмий-амалий ишларига ривож тилаймиз.

**Тошкент тиббиёт академияси матбуот хизмати**



**Қадр қанча кўп бўлса оздир,  
У қаерда - қанот парвоздир.**





Тошкент тиббиёт академиясининг 100 йиллигига бағишланади

## ҚАЛБЛАРГА ЭЗГУЛИК НУРЛАРИНИ ОЛИБ КИРГАН ОЛИМ

**Бир асрлик тарих зарварақларидан муносиб ўрин эгаллаган, муҳими одамлар қалбига эзгулик нурларини олиб кира олган фахрий шифокорлар, тиббиёт илмининг билимдонлари, профессор ва ўқитувчилар, академик олимлар...**

Ўзбекистоннинг маънавий миллиардерлари, дунёда тенги йўқ бойлик – юксак маънавият эгалари, билгани меҳнат, танигани савоб, шериги иймон, суюнгани виждон, ишонгани Раҳмон уларнинг. Гарчанд Сиз уларни кўрмаган бўлсангиз-да, камтарлиги отангизга, ҳокисорлиги онангизга ўхшаб кетадиган “Яхши одам”лар билан танишинг.

Юртимиз илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган олимлардан бири профессор Абдуҳамид Махсумов 1936 йил 10 мартда Тошкент шаҳрида туғилган. 1944-1954 йилларда Тошкент шаҳридаги 111-ўрта мактабда таълим олиб, 1971 йилдан Тошкент тиббиёт институти (ҳозирги Тиббиёт академияси)нинг “Органик кимё” кафедрасига доцент лавозимига ишга ўтади, 1972 йилда шу кафедрага мудар бўлиб сайланди. Абдуҳамид Ғофурович пок, ҳалол, фидоийлиги ва меҳнатсеварлиги туфайли 36 йил давомида кафедранинг жамоасини жипслаштириб, ўқув, ўқув-услубий ва илмий ишларни уйғунлаштирган ҳолда бошқарди ва уни барча кўрсаткичлар бўйича институтнинг энг илғор кафедраларидан бирига айлантирди.

А.Махсумов моҳир педагогик маҳоратини ишга солиб, тиббиёт институтида кимё фанини барча жабҳаларига олиб кириши билан профессор-ўқитувчилар ва минглаб талабаларнинг ҳурматига сазовор бўлди. Кўп йиллик тинимсиз, машаққатли меҳнатлар ўз маҳсулини беради. А.Махсумов 1985 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, 1986 йилда профессор илмий унвонига муяссар бўлди.

Кафедра ходимлари билан биргаликда 190 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар, маъруза матнлари чоп этди. Тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари учун биринчи бўлиб ўзбек тилида “Биоорганик кимё” дарслигини тайёрлади ва нашр эттирди. Биринчилардан бўлиб 4 тоифадаги электрон дарслик вариантини яратиб муаллифлик гувоҳномасини олди. Профессор ўзининг бор илмий салоҳиятини нозик органик синтез соҳасига йўналтириб “Биологик фаол бирикмалар синтези, хоссалари ва ишлатилиши” мавзуси атрофида барча шогирдларини бирлаштирган ҳолда КАТТА ИЛМИЙ МАКТАБ яратди.

А.Махсумовнинг хизматларини мухта-сар қилиб рақамларга жойланса 25000 та янги модда синтез қилиб олинди, илмий ва педагогик изланишлари натижалари 3543

та илмий ишларда, жумладан, 2850 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар, бакалавр, магистр ва тадқиқотчилар билан 900 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар, 305 та ихтиро ва патентлар, 400 га яқин синтез қилинган препаратлар халқ хўжалиги, тиббиёт, фармацевтика, қурилиш, тўқимачилик, кимё саноати ва бошқа кўплаб соҳаларда қўлланилди ва тавсиялар берилди.

250 га яқин препаратлар ўқув услубий соҳаларда, маърузаларда қўлланилди. 6 та дарслик, 200 дан ортиқ ўқув қўлланма ва монографиялари, ўқув-услубий ишлари эълон қилинди, 8 докторлик, 38 та номзодлик, 9 та магистрлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилди.

А.Махсумовнинг қалб амри билан ўз касбига фидоийлиги ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган. Ўзбек ихтирочисининг юз илмий ишланмалари ва педагогик фаолиятидаги хизматлари инобатга олиниб, ўтган йиллар давомида “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи”, “Йилнинг энг яхши илмий раҳбари”, “Йилнинг энг яхши мураббийси”, “Турон” фанлар академияси Академиги, Ўзбекистон Табобат академиясининг ҳақиқий аъзоси унвонларига сазовор бўлган.

Шунингдек, профессор А.Махсумов қатор замонавий ихтиролар ва илмий ишлар муаллифи ҳисобланиб, амалиётга ҳам кимё, фармацевтика, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва кўплаб бошқа соҳаларда бир нечта препаратларни қўллаган ва тавсиялар берган.

Профессорнинг асосий илмий изланишлари, органик синтез ва биологик фаол бирикмаларни ҳосил бўлиши механизмларини ўрганишга, экологик тоза, кам захарли юқори биологик фаоллиги ошган препаратларнинг янги авлодини, яъни 25000 (йигирма беш минг)тадан ортиғини дунёда биринчи бўлиб яратган, шу соҳаларда фундаментал ва амалий фаннинг ривожланишига бағишланган. 1986 йилда бу соҳада тузилиш назариясини яратган. А.Махсумов жуда кенг тармоқли олим, фаннинг кўп соҳаларида янгиликлар яратган муаллиф. Ўзбек, рус, инглиз ва бошқа тилларда чоп этилган илмий ишлари, ихтиролари, амалий тавсиялари жами 3500 тадан ошиб кетди.

Илмий тадқиқот ишлардан ташқари, ижодкор-устоз педагогик деган фаолияти билан машҳур инсон. А.Махсумовнинг “Органик кимё”, “Биоорганик кимё” ва бошқа дарс-

ликлари, ўқитувчилар ва талабаларга, яна 200 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалари, илмий-услубий китоблари олий ўқув юртарининг барча соҳаларига олиб кирди ва бу билан кўпчилик профессор-ўқитувчи, магистр, тадқиқотчи ва талабаларининг ҳурматига сазовор бўлди.

Шу бугунги кунда ҳам 85 ёшли олим докторантларга, ёш тадқиқотчи, магистрант, бакалавриатура босқичи талабаларига устозлик қилиб уларга илмий йўналишларда сабоқ бериб келмоқда. Унинг ўқувчилари нафақат Ўзбекистоннинг барча вилоят ва шаҳарларидаги университет, институт, лицей, коллеж, академик институтлар, мактабларда, шу билан бирга Ҳиндистон, Бангладеш, Корея, Хитой, Канада, Германия, Чехия, Туркия, Ангола, ЖАР, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Афғонистон, Эрон, Греция, Саудия Арабистони, Бирма, Таиланд, Миср, Покистон, Болгария ва ўнлаб бошқа давлатларда хизмат қилишмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, кимё фанлари доктори, профессор Абдуҳамид Махсумовдан ёшларни кимё фанига қизиқтириш услуби ҳақида сўрадик. Катта ва машаққатли илм йўлини босиб ўтган кимёгар олим бу саволимизга ўзининг оддий теоремасига асосланиб шундай жавоб берди.

“Фан аниқликни ёқтиради. Табиат билан уйғунлашгани боис, тахминий фаразлар, ёлғончи маълумотлардан йироқликни ҳуш кўради. Мен ёшлигимдан тўғрак илмига қизиққанман. Буни пайқаган отам мактабдаги дарслардан кейин мени кимё фан тўғрагига аъзо қилиб келганлар. Устозларимнинг ҳар бир мавзуга бор меҳрини бериб дарс ўтишини эсласам, отамнинг билимни инсон эканлигидан фахрланиб кетаман. Менинг кимё фанига қизиқишимга дарсдан ташқари олиб борилган қизиқарли тўғрақлар сабаб бўлган. Шулар ҳақидада ўйласам шу ёшимда ҳам мактаб, лицей, коллежларга бориб кимё фанининг ютуқлари ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказгим келади. Росмана кўп ишларни қилган устозларимдан олган сабоқларни бугунги кун ўқувчиларига ҳам ўрганиб уларда кимё фани ва ихтирочиликка қизиқтиришни жуда-жуда истайман.

(Давоми 7-бетда.)



## (Боши 6-бетда.)

Тўғриси айтишим керак, ҳали ҳам мактабларда ҳатто олийгоҳларда ҳам дарс пайтида анекдот айтиб, мақтанчоқлик билан "аравани қуруқ олиб қочадиган қалбаки "устоз"лар йўқ эмас. 65 йиллик илмий-амалий меҳнат тажрибамга суяниб айта оламани, ўқувчини қуруқ гап билан қизиқтиролмайсиз. Савол-жавоб, ҳаётдан, тиббиётдан ва бошқа соҳалардан олинган мисоллар тажрибаси бор устозларнинг ҳақиқий қуроли шу. Саноатдан намуна келтирилганда доскага бўр билан ёзиш керак, ейдиган овқатларда

қатнашаётган реагент, витаминлар ва бошқаларни формуласини келтирмасангиз ўқувчи уларни инсониятга хизмат қилаётганини тушунмайди. Иложи бўлса тажрибалар ёки саноатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналари ҳақида гапирилганда сунъий тишлар, янги пластмассалар (рангли бўлса яхши), яратилаётган дори моддалар ва бошқаларни намуна қилиб кўрсатиш зарур. Маърузачи устознинг тўғарак машғулотида ўзининг ихтиролари, патентлари, дарсликларидан ҳар хил намуналари билан қатнашгани маъқул. ОТМида илмий илмий тўғарак очиб учун биринчи галда реактивлар, эритувчилар, катализаторлар ва

ўнлаб бошқа реактивлар керак бўлади. Махсус шкафли иш жойлари бўлиши, рефератив журналлар, тезкор интернет тармогининг мавжудлиги, шиша идишлар (қолбалар), ҳар хил перегонка (ҳайдаш) қиладиган вакуум насослар, плиталар, хуллас ўнлаб нарсалар, махсус буюмлар керак.

Олий таълим муассасасининг ахборот ресурс марказида мавзуга оид рефератив журналлар, патентлар, лаборатория ишлари ёзилган китобчаларнинг бўлиши ҳам жуда муҳим. Кейин янги синтез қилинган бирикмаларни тузилишини аниқлаш учун ИҚ-, ЯМР, масс-спектрометрлар, УФ ва бошқа приборлар бўлишини унутмаслик

керак. Хроматограф ва бошқа моддаларни тозалаш усуллари. Эксперимент тепасида турадиган ёш олимлар туриши керак. Янги олинган моддаларни синаб кўрувчи гуруҳлар эса алоҳида мавзу".

Ўзбекистон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган олим билан суҳбатимизни ҳали узоқ давом эттириш мумкин эди. Олим билан 90 ёш билан тўқнашганларида, 100 билан юзлашганларида давом эттиришни ният қилдик.

**Кутбиддин НИЗОМОВ,**  
**Соғлиқни сақлаш аълочиси,**  
**Гулчехра МИРЗАЕВА,**  
**ТТАси матбуот хизмати**  
**бўлими бошлиғи**

## XXI асрда инсоният бир қатор муаммоларга дуч келди. Биргина глобал исиш турли табиий офатларни келтириб чиқараётгани боис минглаб одамлар ҳаёти хавф остида қолмоқда.

Мана шундай вазиятда инсон нафақат ўзини ўзи, балки табиатни ҳам асраб-авайлаши ниҳоятда зарур. Аммо таассуфлар бўлсинки, бунинг ўрнига иллатларга ружу қўйиш авж олаётир. Шундай иллатлардан бири тамаки чекишдир. Чекишга муккасидан кетиш оқибатида одамзод ўз умрини хазон қиляпти, шу билан наслини ҳам хавфхатарга қўймоқда.

Бир қарашда оддий ҳолдай кўринган чекиш миллионлаб одамларнинг бошига етаётганини оддий назар билан илгаш қийин. Статистик маълумотларда келтирилишича, Ер юзиде ҳар йили уч миллиондан ортиқ чекишга ружу қўйиши оқибатида ҳаётдан эрта кўз юмади. Бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 8 миллионга етиши тахмин қилинмоқда. Шу боис айни пайтга келиб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кашандаликка қарши кенг курашмоқда. Бунга дунёнинг йирик ташкилотлари ҳам аралашаётганига эътибор қаратсак, муаммонинг нақадар долзарблиги ойдинлашади. Масалан, 1999 йил 24 май куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси бир овоздан тамаки чекадиганларни назоратга олиш Конвенциясини ишлаб чиқиш бўйича резолюция қабул қилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрда қабул қилинган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонунига асосан, йигирма ёшга тўлмаган фуқароларга шундай маҳсулотларни сотиш тақиқланган. Бундан кўзланган мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни зарарли ил-

латлар таъсиридан асраш, саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшлар онига соғлом турмуш тарзи тушунчаларини чуқур сингдиришдир.

Тамаки нафақат чекадиганлар, балки чекмайдиганларга ҳам зарар етказиши. Яъни ундан ажралиб чиққан тутун саратон, юрак, ўпка касалликлари келиб чиқишига замин яратади. Ташвишли жиҳати, тутун болаларда ўткир респиратор касалликларини келтириб чиқаради ва бунинг оқибатида мурғак чақалоқларда сурункали касалликлар ёки тўсатдан ўлим оқибатлари кузатилиши мумкин. ЖССТнинг маълумотида кўра, ду-

тарбиялашдек улғувор мақсад мужассам. Зеро, ҳар бир киши ўз фарзандининг соғ-саломат, иллатлардан холи бўлиб воёга етишини истайди. Соғлом фарзанд эса соғлом ота-онадан туғилади. Шундай экан, ота-онанинг соғлом турмуш тарзига бирдек риюа қилишига кўп нарса боғлиқ.

Аммо, минг таассуфлар бўлсинки, кейинги пайтларда аёллар орасида ҳам очикчасига тамаки маҳсулотларига ружу қўйиш кузатилмоқда. Тамаки тутун таркибида ўсма (саратон) касаллигини юзага келтирувчи 50дан ортиқ канцероген моддалар бор. Никотин жуда осонлик билан плацентдан ўтади ва шунинг оқибатида ҳомиладаги никотин фоизи онанинг қонидаги никотиндан анча юқори бўлади. Сигарета, папироз, трубка ёки сигара чекаётган вақтда жуда кўп никотиндан ҳам зарарлироқ бирикмалар – угаргази, бензопирен ҳамда радиоактив моддалар нафас йўлларида ўтади. Уларнинг бир қисми она ва ҳомила организмида пайдо бўлади. Натижада онанинг қон айланиши тизимида сиқилиш ҳосил бўлади, ҳомила кислород танқислигига учраб, унинг ривожланиши секинлашади.

Бунинг таъсирида чекувчи оналардан туғилган болалар кўпинча кам вазнли бўлиб, ҳаётга мослашиши қийинроқ кечади. Уларнинг марказий асаб тизимида нуқсонлар бўлади, тез-тез касалликка чалинувчанлиги билан ҳам ажралиб туради. Олимларнинг таъкидлашича, онанинг чекиши ҳомила ривожланишини икки мартаба қисқартиради. Шу сабабли зарарли иллатлардан холи ҳолда соғлом турмуш тарзига амал қилиш муҳимлигини ёддан чиқарманг!

**Ҳамидулла МАГЗУМОВ,**  
**тиббиёт фанлари номзоди,**  
**доцент**

## ТУТУНГА ЯШИРИНГАН ЗАҲАР

недаги 700 миллион бола тамаки тутунидан заҳарланган ва бугун улар бу иллатдан азият чекмоқда.

Кашандалик оқибатида қайд этиладиган ўлим миқдори бошқа гиёҳвандлик моддаларига нисбатан ўн уч барабар кўплиги ҳам унинг инсон организми учун нақадар хавфли эканлигидан далолат беради. Нагаки, сигарет тутун таркибида соғлиқ учун зарарли жуда кўп моддалар мавжуд. Булар орасидаги сианли бирикма кучли заҳар ҳисоблангани учун, асосан, ҳашаротларга қарши курашда кенг қўлланилади. Унинг асосини ташкил қилувчи никотиннинг 100-120 миллиграмми томир орқали венага юборилса, одам шу ондаёқ ҳалок бўлиши муқаррар. Шунча миқдордаги никотин эса, бор-йўғи, икки қути сигарета таркибида мавжуд.

Юртимизда азалдан келажак авлодни маънан баркамол, жисмонан соғлом этиб





# ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

(2021 йил март)

## **Кафедра мудури**

Олий маълумотли ҳамшира  
факультетига қарашли “Ўзбек ва  
хорижий тиллар” кафедраси

## **Катта ўқитувчи**

Даволаш факультетига қарашли “ЛОР  
ва стоматология” кафедраси

## **Ассистент**

Даволаш факультетига қарашли “1-  
сон факультет ва госпитал жарроҳлик”  
кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “2-  
сон ички касалликлар” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига  
қарашли “Атроф-муҳит гигиенаси”  
кафедраси

Тиббий профилактика факультетига  
қарашли “Информатика ва биофизика”  
кафедраси

Тиббий профилактика факультетига

қарашли “Гистология ва тиббий  
биология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли  
“Хирургик касалликлари” кафедраси

Малака ошириш факультетига  
қарашли “Болалар касалликлари  
пропедевтикаси” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира  
факультетига қарашли “Ўзбек ва  
хорижий тиллар” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира  
факультетига қарашли “Суд тиббиёти  
ва тиббиёт ҳуқуқи” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира  
факультетига қарашли “Аллергология,  
клиник иммунология ва ҳамширалик  
иши” кафедраси

**Ҳужжатларни қабул қилиш муддати бир ой эълон қилинган кундан  
бошлаб, ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.**

**Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

MUASSIS:  
**TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI**

MUHARRIR  
**TURDIQUL  
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, A.Zohidiy, D.Norgulov,  
L.Abduqodirova, M. Hasanova

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiya RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
**Nashr uchun ma'sul**  
Q.Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir  
Бепул тарқатилади